

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЭРГАШ КУЛДАШЕВИЧ

**МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИДИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

УЎК:130.122/123:141.31:323(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Ахмедов Эргаш Кулдашевич

Миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди ва унинг
олдини олиш омиллари.....3

Ахмедов Эргаш Кулдашевич

Угроза миссионерского движения национальному-духовному развитию и
факторы его предотвращения.....23

Akhmedov Ergash Kuldashevich

The threat of the missionary movement to national-spiritual development and the
factors for its prevention.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЭРГАШ КУЛДАШЕВИЧ

**МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИДИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fal359 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агамуратов Садулла
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «25» декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5, қават, 511, хона. Тел.: (+99871)227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (143 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «15» декабрдаги 14 рақамли реестр баённомаси).



И.С. Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишанова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида миллийликнинг емирилиши ва маданий хилма-хилликнинг тобора камайиб бораётгани, шубҳасиз, долзарб муаммолардан биридир. Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасида юз бераётган кескин ўзгаришларни диний ниқобдаги таҳдидларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу жараёнларда миссионерлик ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунга келиб, миссионерлик факатгина бирор динни бир жойдан ўзга бир худудга бориб тарғиб қилишгина бўлиб қолмай, балки унинг қирралари иқтисодиёт, сиёсат ва маънавий-мафкуравий жараёнларда ҳам намоён бўлмоқда, бу ҳолат ушбу таҳдидни илмий асосда тадқиқ қилиш, аввало, миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга таъсирини чуқур ўрганиш заруратини оширмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида янги диний ҳаракатлар ва секталарнинг фаолиятини таҳлил этиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Европа сектантлик бўйича тадқиқот ва маълумот марказлари федерацияси (FECRIS, European Federation of Centers of Research and information on Sectarianism) секталарнинг ғайриқонуний фаолиятини ўрганиш борасида, Россия динлар ва секталарни ўрганиш ассоциацияси (РАЦИРС, Российская ассоциация центров изучения религий и сект) тоталитар ва бузғунчи секта тавсифидаги янги диний ҳаракатлар фаолияти юзасидан сиёсат, фалсафа ва психология йўналишларида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда. Мазкур ташкилотлар вайронкор секталар фаолиятининг жиноий табиатини фош қилиш билан бирга уларнинг жамият ва шахсларга ҳалокатли таъсирига оид турли тадқиқотлар олиб боришни асосий вазифа қилиб белгилаган. Зеро, жамият хавфсизлигини таъминлашда диний ниқобдаги таҳдидларни ўрганишнинг муҳим аҳамият касб этиши шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан сўнг маънавият соҳасига катта эътибор қаратилиб, давлат сиёсатида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Юртимизда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш билан биргаликда инсонлар онги ва қалбини эгаллашга интилаётган миссионерлик ҳаракатига қарши кураш ҳам олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида ҳар қандай кўринишдаги миссионерлик фаолияти маън этилган. Бугунги кунда инсонларни ота-боболарининг эътиқоди ва миллий-маънавий негизларидан маҳрум қилишга уринаётган миссионерлик ҳаракатининг моҳияти ва уларнинг миллий маънавиятимизга нисбатан таҳдидларини ўз вақтида англаш борасида тадқиқотлар олиб бориш зарурати тобора ортиб бормоқда. «Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келаяпти. Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик

кўнғироғи бўлиб янграши зарур»¹. Шу нуқтаи назардан, миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга нисбатан таҳдидларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, назарий тадқиқотлар олиб бориш ва кенг оммага етказиб бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон, 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сон қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларидаги² маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш борасидаги концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Миссионерлик ҳаракатига оид илмий изланишларни умумлаштирган ҳолда тўртта гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга мамлакатимизда бевосита миссионерлик масаласини ўрганган А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов, С.Яздонова, М.Мусаев³ларнинг ишларини киритишимиз мумкин. Жумладан, мавзуимизга яқин С.Яздонова томонидан номзодлик⁴, М.Мусаев ва

¹ Шавкат Мирзиёев: Энг катта хавф – лоқайдлик ва бепарволик // http://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-eng-katta-xavf-loqaydlik-va-beparvolik_235418 [19.01.2021]

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-23 ж. – Тошкент: Ўзбекистан, 1996 - 2015; Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

³ Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент: Тошкент Ислам университети, 2013. – 200 б.; Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – 64 б.; Яздонова С.Қ. Миссионерлик анатомияси (кеча ва бугун). – Самарқанд: имом Бухорий халқаро маркази, 2015. – 166 б.; Мусаев М.Т. Миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олишда Ўзбекистон тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2019. – 40 б.; Мусаев М.Т. Миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2021.–212 б.

⁴ Яздонова С.Қ. Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий таҳлили: фалс. фан. ном. дис. – Самарқанд, 2012. – 162 б.

Х.Обламурадвалар томонидан фалсафа доктори (PhD)⁵ диссертациялари ҳимоя қилинган. Ушбу муаллифлар ўз тадқиқотларида миссионерлик ва прозелитизм муаммосини илмий таҳлил қилиб, давлат ва жамият барқарорлиги учун таҳдид эканлигини асослаб берганлар.

Иккинчи гуруҳга таҳдидлар масаласи доирасида миссионерликка эътибор қаратган олимларимиз ишларини киритишимиз мумкин. Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, С.Отамуратов, М.Қурононов, Б.Тўраев, Ф.Равшанов, Б.Тўйчиев, Ш.Б.Қаҳҳорова⁶ каби олимлар илмий тадқиқотларида миссионерлик муаммосини ўз мавзуларига дахлдорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилганлар. Ушбу муаллифлар асарларида тадқиқотимиз учун назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган бир қатор ғоялар, фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Айниқса, уларнинг аксариятида «миссионерлик» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ҳамда миссионерлик ҳаракатларининг жамият барқарорлиги учун таҳдид эканлиги ҳақидаги фикрларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Учинчи гуруҳга кўшни республикалар ва россиялик олимлар тадқиқотларини киритиш мумкин. В.Б.Воронцов, И.Р.Лаврецкий, М.П.Свищев, И.М.Шкляж, Н.А.Трофимчук, А.И.Хвьяля-Олинтер, А.И.Клибанов, А.Дворкин, А.Н.Сыроваткин⁷ каби тадқиқотчилар мавзуимизга доир масалаларни ўрганишган. Уларнинг ишларида миссионерликнинг назарий, тарихий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий муаммолари кўриб чиқилган. Ушбу муаллифлар турли вақтларда ўз олдига турли мақсадларни қўйишган, кўпроқ объектив талабдан эмас, сиёсий тузум ва даврга боғлиқ ижтимоий буюртмани аниқлаштиришган. Айниқса, Н.А.Трофимчук ва М.П.Свищевларнинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Улар миссионерларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлайдилар, уларнинг сиёсий фаолиятини таҳлил қиладилар. Муаллифларнинг фикрича, миссионерлик иши ҳар доим Европа-Америка халқлари маданий кенгайишининг ажралмас қисми

⁵Мусаев М.Т. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият ҳавфсизлигига таҳдиди: сиёс. фан. бўй. фалс. док. дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – 155б.; Обламурадова Х.Н. Глобаллашув шароитида миссионерликнинг олдини олиш усуллари ва воситалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): фалс. фан. бўй. фалс. док. дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2021.

⁶Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Akademiya, 2001. – 318 б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 422 б.; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 456 б.; Қурононов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 152 б.; Тўраев Б. ва б. Маънавий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (моҳияти, келиб чиқиши, шакллари, муаммолар). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011; Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. – Тошкент: Маънавият, 2013; Тўйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общества. – Ташкент: Шарк, 2009. – 219 с.; Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият - глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Tafakkur, 2009. – 448 б.

⁷ Воронцов В.Б. Миссионеры и их наследники: Повороты политики США в отношении Китая. – М., 1986; Лаврецкий И.Р. Колонизаторы уходят – миссионеры остаются. – М., 1963; Свищев М.П. Миссионерская деятельность в контексте геополитики: Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1999; Шкляж И.М. Из истории миссионерского движения (Опыт критического подхода к существующим концепциям). – Одесса, 1992; Трофимчук Н.А. Религиозно-политическая пропаганда зарубежных центров и ее влияние на христианское движение в СССР: Дис. ... д-ра фил. наук. – М., 1991; Хвьяля-Олинтер А.И. Духовная безопасность и духовное здоровье человека, семьи, общества. – ТД.: Белый город, 2007; Клибанов А.И. Религиозное сектанство в прошлом и настоящем. – М., 1964; Дворкин А. Введение в сектоведение. – Н.Новгород, 1998; Дворкин А. Десять вопросов навязчивому незнакомцу, или Пособие для тех, кто не хочет быть завербованным. – М., 1995; Сыроваткин А.Н. Деструктивное влияние нетрадиционных религиозных движений на духовную безопасность современного российского общества: Дис. ...канд. фил. наук. – Пятигорск, 2013.

бўлган, бунинг натижасида Ғарб маънавий кадриятлари тизими маданий жамоалар ва ҳудудларда тарқалмоқда. Ушбу фикр бизнинг тадқиқотимизда илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Тўртинчи гуруҳга хорижлик олимларнинг ишларини киритиш мумкин. Улар томонидан миссионерлик билан боғлиқ бўлган муҳим тадқиқотлар амалга оширилган. Р.Аллен, П.Джонстоун, Д.Бош, В.О.Карвер, В.Р.Хатчисон, С.Ч.Нилл, Э.Бенз, Т.Атаев, Т.Рут, Г.Маррс⁸ ва бошқа олим ҳамда тадқиқотчилар асарларида миссионерлик масалалари таҳлил ва тадқиқ қилинади.

Умуман, аниқланган манбаларнинг кўплигига қарамасдан, уларнинг аксариятида тадқиқ қилинган муаммолар ўтган давр ёки бошқа минтақаларга тегишли бўлиб, уларнинг манфаати нуқтаи назаридан ўрганилган. Аммо миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди ижтимоий-фалсафий жиҳатдан яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мавжуд илмий тадқиқотларда миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга нисбатан таъсир ўтказиш имкониятлари, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва унинг олдини олиш масалаларига жуда кам эътибор қаратилган бўлиб, уларни муайян тизимга солишга эҳтиёж мавжуд.

Юқорида келтирилганларнинг барчаси ушбу илмий тадқиқотга асос бўлиб хизмат қилди. Уларда қайд этилган қарашларни умумлаштирган ҳолда, диссертацияда миссионерлик ҳаракатининг миллат ва унинг маънавиятига таъсири ҳамда истиқболда у нималарга олиб келиши мумкинлиги тизимли тартибда, яхлит ҳолда, назария ва амалиёт қиёси нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдидини илмий асослаш ва унинг олдини олиш омилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– миссионерликнинг маънавий таҳдид сифатидаги моҳиятини таҳлил қилиш;

⁸Аллен Р. Миссионерские методы во времена апостола Павла и в наши дни. – М.: Логос, 1993; Джонстоун П. Операция «Мир». – СПб., 1996; Бош Д. Преобразование миссионерства: Сдвиги парадигмы в богословии миссионерской деятельности. – СПб., 1997; Карвер В.О. Миссионерство и промысел Божий. – М.: Логос, 1993; Hutchison W.R. Errand to the World: American Protestant Missionary Thought and Foreign Missions. – Chicago & London, 1987; Neill S.A history of Christian missions. –London: Penguin Books, 1986; Neill S. Colonialism and Christian Missions. – London, 1966; Benz E. Neue Religionen. – Stuttgart, 1971; Атаев Т. Светско-религиозный тандем в геополитике, или глобализационное миссионерство: история и современность. – Н.Новгород: Медина, 2009. – 196 с.; Такер Рут. От Иерусалима до края земли: История миссионерского движения. Серия: Энциклопедия христианства. Второе издание, исправленное и переработанное. Перевод с англ. – Санкт-Петербург: Мирт, 2001. – 524 с.; Marrs G. Dark Secrets of the New Age: Satan's plan for a One World Religion. Westchester, 1987.

– миссионерлик ҳаракатининг мақсади, негизлари, юзага келишига сабаб бўлган омиллар ва тарихий илдизларини аниқлаш;

– миссионерлик ҳаракатларининг иш услуби ва инсонларни жалб қилиш усуллари аниқлаш;

– миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга таҳдиди ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятларини очиб бериш, миссионерларнинг даъват қилиш шакллари ва қўллайдиган воситаларининг инсонларга таъсирини ўрганиш;

– диний секталар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсирини ўрганиш;

– глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг кенг тарқалишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдидини бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – миссионерлик билан шуғулланувчи ташкилотлар ва уларнинг маънавий тараққиётга таъсир этувчи фаолияти.

Тадқиқотнинг предмети миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди ҳамда унинг олдини олиш омилларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда индукция, дедукция, тизимли ва киёсий таҳлил, контент таҳлил, социологик сўров усуллари ҳамда тарихийлик, мантиқийлик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– миссионерлик ҳаракати маънавий таҳдид сифатида кўриб чиқилган ва унинг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди очиб берилган, ушбу ҳаракатнинг туб негизларини ташкил этувчи омиллар (сиёсий, иқтисодий, маънавий) асосланиб, унинг функционал мақоми аниқланган;

– миссионерлик ташкилотлари фаолиятининг стратегияси ва тактикаси, инсонларга таъсир кўрсатишда фаол қўллайдиган усуллари (севги бомбардимони, мияни ювиш, хулқ-атворни ўзгартириш, оммавий онгни бошқариш, маданиятга мослашиш, мулоқот-миссия, ижтимоий тадбирлар, ўзини ўзи таъминлаш, уйма-уй юриб «хушхабар» етказиш, «дўстлик хушхабар», «рақамли евангелизм») аниқланган ҳамда миллий-маънавий ҳаётга таҳдид шакллари (бевосита ва билвосита) илмий асосланган;

– диний секталарга ёшларни жалб қилиш сабаблари (мафкуравий иммунитет пастлиги, ҳаётий тажрибаси камлиги ва ишонувчанлиги, келажак эгалари айнан ёшлар эканлиги) ва оқибатлари (фикрлаш қобилиятининг пасайиши, психологик ривожланишнинг секинлашиши, ўзга динларга тоқатсизлик, ватансизлик ғоясининг кучайиши, миллий қадриятларга ҳурматсизлик, миллийликдан бегоналлашув) аниқланган, шунингдек, ёшларни маънан қашшоқлаштирувчи куч сифатидаги моҳияти очиб берилган;

– глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг кенг тарқалиш омиллари жамият ижтимоий тузилмасида зиддиятлар келтириб чиқариш воситасига айланиши ҳамда уларнинг олдини олиш имкониятлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

миссионерлик ҳаракатининг намоён бўлиш хусусиятлари, ижтимоий оқибатларини прогнозлаш ва уларнинг олдини олиш йўллари амалий жиҳатдан чуқурроқ англаб етишга қаратилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

миссионерлик ҳаракатларининг шахс ва жамият маънавий ҳаёти ҳамда хавфсизлигига таъсир қилувчи ҳалокатли табиати асосланиб, хавфлилик кўлами аниқланган;

ҳозирги даврда миссионерлик ҳаракатининг маънавий ҳаётга нисбатан таҳдидига қарши курашишда улар фаол равишда қўллаётган медиасаноат ютуқлари ва замонавий ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан фалсафа, диншунослик, сиёсатшунослик, маънавият соҳаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан ижтимоий-сиёсий институтлар, нодавлат ташкилотлари, ОАВ, миллий-маданий марказлар, таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги ўқув курслари ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда, ёшларни ғоявий тарбиялаш ва уларда миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш бўйича фаолият олиб борадиган ташкилотлар ўз фаолиятида фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, таклиф ва хулосалар амалдаги давлат хизматчилари, хусусан, ҳуқуқ-тартибот органлари, маънавий-маърифий ҳамда диний соҳани назорат қилиш тизимида фаолият юритувчи мутахассислар, айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди ва унинг олдини олиш омилларига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

миссионерлик ҳаракати маънавий таҳдид сифатида кўриб чиқилгани ва унинг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди очиқ берилгани, ушбу ҳаракатнинг туб негизларини ташкил этувчи омиллар (сиёсий, иқтисодий, маънавий) асосланиб, унинг функционал мақоми аниқланганига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2020 йил 3 мартдаги 1-сон баёнига 1-илова «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини оширишга, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг III боб «Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-

моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият» ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб боришга оид тадбирлар» доирасида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 6 январдаги 02/07-09-сон маълумотномаси). Илмий натижалар марказнинг тарғибот, ташвиқот, илмий фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

миссионерлик ташкилотлари фаолиятининг стратегияси ва тактикаси, инсонларга таъсир кўрсатишда фаол қўллайдиган усуллари (севги бомбардимони, мияни ювиш, хулқ-атворни ўзгартириш, оммавий онгни бошқариш, маданиятга мослашиш, мулоқот-миссия, ижтимоий тадбирлар, ўзини ўзи таъминлаш, уйма-уй юриб «хушхабар» етказиш, «дўстлик хушхабар», «рақамли евангелизм») ҳамда миллий-маънавий ҳаётга нисбатан бевосита ва билвосита таҳдид шаклларига доир назарий хулосалардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолиятида, жумладан «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юртининг «Ахборот ва мураббийлик соатлари сабоқлари» деб номланган «Ахборот соатлари» ва «Мураббийлик соати» машғулотлари учун услубий қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йил 27 январдаги 234-сон маълумотномаси). Натижада билим юртининг маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлиги янада ортиб, бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида ёшларнинг хабардорлик даражаси ошган;

диний секталарга ёшларни жалб қилиш сабаблари (мафкуравий иммунитет пастлиги, ҳаётий тажрибаси камлиги ва ишонувчанлиги, келажак эгалари айнан ёшлар эканлиги) ва оқибатлари (фикрлаш қобилиятининг пасайиши, психологик ривожланишнинг секинлашиши, ўзга динларга тоқатсизлик, ватансизлик ғоясининг кучайиши, миллий кадриятларга ҳурматсизлик, миллийликдан бегоналашув) ҳамда ёшларни маънан қашшоқлаштирувчи куч сифатидаги моҳиятига доир назарий хулосалардан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида «Диншунослик» ва «Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари» фанларини ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги 89-03-553-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда миссионерлик ҳаракати ва диний секталар, уларнинг жамият ҳаётига таҳдид солиши ҳамда салбий таъсирининг оқибатларига нисбатан мустақил фикр, миссионерлик ҳаракатининг ёвуз ниятларига эркин ва холис муносабат билдириш кўникмалари шаклланишига эришилган;

глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг кенг тарқалиш омиллари жамият ижтимоий тузилмасида зиддиятлар келтириб чиқариш воситасига айланиши ҳамда уларнинг олдини олиш имкониятлари борасидаги хулоса, таклиф ва тавсиялардан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да

белгиланган вазифаларнинг ижроси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 14-07-72-сон маълумотномаси). Натижада Қўмита ходимларининг билим ва кўникмаси ошган, шунингдек, илмий хулосалар миллатлараро ҳамда конфессиялараро муносабатлар соҳасидаги маънавий-маърифий тадбирлар мазмундорлигини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 32 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан, 2 таси хорижий, 4 таси республика журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миссионерлик ҳаракатини ўрганишнинг назарий - методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «миссионерлик» тушунчасининг мазмун ва моҳияти ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган, унинг негизлари, мақсади миссионерлик ҳаракатининг юзага келишига сабаб бўлган омиллар ҳамда унинг тарихий илдизлари тадқиқ этилган.

Дастлаб муайян даражада ижобий кўринишга ҳам эга бўлган миссионерлик ислом ва христиан дини ривожланган давлатлар ўртасида ўзаро савдо ҳамда маданий муносабатлар орқали бир-бирига таъсир этишига хизмат қилган. Улар ўзга халқлар эришган ютуқлар кириб келиши, маҳаллий маданиятлар ривожланишига катта ҳисса қўшади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ривожланишига, халқлар турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий таъсир ўтказган. Бироқ миссионерликдан ғаразли манфаатлар йўлида фойдаланиш унинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши ва ривожланишига сабаб бўлмоқда. Миссионерлик ҳаракати эътиқодни ўзгартиришдан ташқари ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатлар учун ҳам воситачилик қилмоқда. Улар ўз ғоялари орқали ўзга динларга эътиқод қилувчи шахсларни

Ғарб давлатлари таъсир доирасига тушириш, маълум халқлар ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа пайдо қилиш, аста-секин ишонч-эътиқодидан воз кечишига, миллий-маънавий қадриятлардан маҳрум қилишга уринмоқда.

Аксарият энциклопедия ва луғатларда келтирилган «миссионерлик» тушунчасининг таърифларидан ушбу тушунча «юбориш», «вазифа топшириш» маъносини англатувчи лотинча «missio» сўзидан олингани, бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш маъносида ишлатилиши маълум бўлади. Миссионерлик масаласини ўрганган хорижлик олимлар унга бирёқлама муносабат билдиришган, яъни бирор конфессия манфаатларидан келиб чиқиб ёндашишган. Айрим муаллифлар фақатгина ноанъанавий диний ташкилотлар, тоталитар секталарнинг миссионерлик ҳаракатлари хавfli десалар (А.Дворкин, А.Н.Сыроваткин, М.Н.Дзяппиша), айримлари миссионерликка таҳдид сифатида қарамайди (А.И.Хвыля-Олинтер), ҳатто ушбу масалага ижобий муносабат билдирган муаллифларни ҳам учратишимиз мумкин (Г.Варнек). Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув миссионерлик ҳаракатларининг улар яшаётган, тараққий қилган мамлакатлар манфаатларига хизмат қилаётгани билан боғлиқ. Хорижлик олимлар миссионерлик ҳаракатининг миллат ва унинг маънавиятига таъсири ҳамда истиқболда у нималарга олиб келиши мумкинлиги масаласига эътибор қаратмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбек олимлари «миссионерлик» тушунчасига илмий таъриф берар экан, аввало, унга таҳдид сифатида қарайди. Аммо, олимларимизнинг илмий ишларида «миссионерлик» тушунчасининг мукамал илмий таърифи бўйича яқдилликнинг йўқлигини, муаллифларнинг ушбу ҳаракатга нисбатан қарашларида ўзлари ўрганаётган масалаларнинг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ёндашганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Ф.Равшанов уни сиёсий манфаатларни кўзловчи узоқ муддатга мўлжалланган таҳдид, деб ҳисоблаган бўлса, С.Отамуратов, Б.Тўраевлар унга миллий маънавиятларни емирувчи омил сифатида қараганларини кўрамиз. А.Тулупов А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов, С.Қ.Яздоновлар миссионерлар жамият ҳаётига путур етказди, парокандаликни вужудга келтиради, ижтимоий барқарорликни издан чиқаради, деб қарашган бўлса, М.Т.Мусаев миссионерлик сиёсий вазифани амалга оширади, ривожланган давлатлар манфаат ва геосиёсий интилишларига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шу маънода уларнинг қарашлари муайян жиҳатдан ушбу таҳдиднинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, миссионерлик ҳаракати, аввало, инсон ва жамиятнинг маънавий оламига таъсир ўтказди, халқни миллий-маънавий илдизларидан маҳрум этиш, инсонлар онги, кайфияти ва фикрларида аста-секин ўзгаришлар қилиш орқали маънавий тоталитаризмни ўрнатишга интилади. Шу нуқтаи назардан миссионерликка қуйидагича таъриф бериш мумкин: миссионерлик – маълум бир худудда, олдиндан белгиланган аниқ вазифалар асосида, инсонларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларига таъсир ўтказиб, уларнинг фикр ва қизиқишларини, ҳис-туйғулари ва руҳий ҳолатини бошқаришга интилиш, уларни маънавий жиҳатдан қарам қилиш фаолияти.

Миссионерлик таҳдиди юзаки қараганда сезилмаса-да, амалда у миллий маънавиятларни емиришда асосий омиллардан бирига айланди. Миссионерлик ҳаракатининг таъсирида миллий маънавият табиати ва ўзига хослигига бутунлай зид бўлган янги кадриятлар кириб келмоқда ҳамда улар инсонлар онги ва қалбини эгаллаб олмоқда. Бундай инсонларнинг ортиб бориши тараққиёт учун хатарлидир. Чунки улар, охир-оқибатда, ўзлигидан бегоналашган манқуртларга айланиб, Ватан, миллат, дин, ота-она каби кадриятлардан маҳрум бўладилар. Бундай ҳолатда улар миллий маънавий тараққиётни издан чиқариш омилига айланадилар, фақат моддий фаровонликни ҳар қандай манфаатлардан устун қўйишни афзал кўрадиган оломонга айланадилар. Инсонларнинг воқелик ҳақидаги ва ўз манфаатлари тўғрисидаги тасаввурлари зарурий, тўғри йўналишдан ўзгартирилгач, уларнинг хавф-хатар ва таҳдидларни англаш қобилияти заифлашади. Бундай жамият мафкуравий курашда ожиз ва ҳимоясиз бўлиб қолади. Кўп ўтмай бу жамиятда миссионерлик ҳаракати оқибатида мутлақо бегона маданиятнинг ҳукмронлиги ўрнатилади. Маънавияти барбод бўлган инсон, миллат ва мамлакат ҳалокатга учраши муқаррар.

Миссионерлик ҳаракати таҳдидининг негизини иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар ташкил қилади. Ушбу омиллар миссионерлик ҳаракатининг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, бугунги кунда миссионерликнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, юксак даражада ривожланган давлатлар томонидан миссионерлик ҳаракатлари қўллаб-қувватланиб, энди ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда яшаётган миллатларнинг эътиқоди, маънавиятини эгаллашга йўналтирилмоқда.

Миссионерлик ўзига хос тарихга эга. Миссионерлик ҳаракати милодий IV аср бошларидан тарқала бошлаган бўлиб, ҳамма даврларда ҳам унинг замирида гегемонистик тамойиллар ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Тарихдан маълумки, мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларини қўлга киритишда маънавият омилидан фойдаланишга асосий эътибор берилиши босқинчилик ҳаракатидаги асосий йўналишлардан бири бўлиб келган. Миссионерлар орқали танланган ҳудудларда инсонларнинг маънавий қашшоқлашувига эришиш, мамлакатларни маънавий инқирозга учратишга ҳаракат қилинади. Маънавияти заифлашган, ўзлигидан маҳрум бўлган миллат ўз-ўзидан итоаткор бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам инсонларни маънавий қарам қилиш миссионерларнинг бирламчи мақсади ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга таҳдид сифатида намоён бўлиш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида миссионерлик ҳаракатларининг иш услуби ва улар томонидан фаол қўлланилаётган усуллар ҳамда миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятга таҳдиди ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Миссионерлик ҳаракатлари таъсирга тушиш ўзаро таъсир кўрсатувчи икки куч натижасидир: миссионерлар томонидан инсонларни жалб қилиш учун ишлатиладиган усуллар ва потенциал миқдор, яъни нишондаги инсоннинг шахсий ҳимояси. Миссионерлик ташкилотлари ўз фаолиятини бир неча

босқичлардан иборат, пухта ўйланган режа асосида ташкил этади. Бизнинг фикримизча, миссионерлик билан шуғулланаётган ташкилотларнинг инсонларни ўзига жалб қилиш фаолиятини қуйидаги 4 босқичга бўлиш мумкин:

1. Қизиқтириш, жалб қилиш босқичи;
2. Танқид қилиш қобилиятини пасайтириш босқичи;
3. Ижтимоий алоқаларни узиш босқичи;
4. Ўз сафида ушлаб туриш босқичи.

Миссионерлар турли хил ёллаш усулларидадан фойдаланадилар ва доимий равишда уларни такомиллаштириб бориб, янгиларини ишлаб чиқадилар. Турли миссионерлик ташкилотларининг инсонларни жалб қилишда ижобий натижага эришиш учун қўллайдиган муайян усул ва воситалари бир-биридан фарқ қилса ҳам, улар томонидан қўлланиладиган бир қатор умумий усуллар мавжуд. Фикримизча, миссионерлар қуйидаги усулларни кенг қўллайдилар: маданиятга мослашиш, мулоқот-миссия, ижтимоий тадбирлар, ўзини ўзи таъминлаш, уйма-уй юриб «хушхабар» етказиш, «дўстлик хушхабари», «рақамли евангелизм» ёки «онлайн хушхабар», «севги бомбардимони», «мияни ювиш», «хулқ-атворни ўзгартириш», «оммавий онгни бошқариш» ва бошқалар.

Миссионерлик ҳаракати миллий маънавий тараққиётга жиддий хавф солади. Диннинг миллий маънавият билан узвий боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсонларнинг ўз динидан бошқа динга ўтиши миллий маънавиятдан узилиб қолишига олиб келади. Миссионерлик ҳаракати натижасида миллий маънавият, ахлоқий кадрлар, анъанавий дин ва эътиқод тизимига путур етказилиб, оқибатда инсонларнинг ўз миллий маънавиятидан бегоналашуви содир бўлади. Ана шу жиҳатдан у миллий маънавиятга таҳдид сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунга келиб миссионерлар ўз манфаатларини амалга оширишда маънавият омилидан фойдаланиши стратегик вазифага айланди. Бунинг асосий сабаблари: а) маънавиятдан маҳрум этилган инсон, миллат, халқ ва мамлакат ўз-ўзидан ўзгаларга итоатакор бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бугун миллий маънавиятлар таҳдидлар объектига айланган; б) миллий маънавият, бир томондан, миллатнинг дунёқараши, онги ва тафаккури инъикоси бўлса, иккинчи томондан, уларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг манбаи ҳисобланади. Миллатни улардан маҳрум этиш, бунинг ўрнига ўзга маънавиятларни сингдириш миллатни ўзига қарам қилиш имкониятини яратади; в) бугунги кунда ҳарбий қурооллар билан ўзга мамлакатлар захираларини эгаллашнинг хатарли тус олаётганлиги билан боғлиқ. Чунки ҳар қандай қуроолни ишга туширишда нафақат унга эга бўлмаганлар, шунингдек, ундан фойдаланишни мақсад қилганларга катта фожиалар олиб келиши мумкинлиги аён бўлаётганида; г) қуроол ёрдамида кўрилган зарарлар ўрнини маълум вақтда қоплаш мумкинлиги, аммо маънавиятни барбод қилиш, унинг асосий элементлари бўлган онг, руҳият, дунёқараш ва қалб эгалланса, уларни қайта тиклаш мураккаб муаммо эканлиги билан боғлиқ; д) бугун, асосан, Ғарбда пайдо бўлган миссионерлик

ташкilotлари томонидан дунёда тарғиб қилинаётган ғоялар бутун инсониятни итоатда бўлишини истовчи Ғарб сиёсатчилари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Улар маънавият воситасида дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда инсонларга ҳам тўғридан-тўғри миссионерларнинг даъвати, ҳам субъектив мақсадга йўналтирилган турли воситалар асосида шаклланадиган миссионерлик ҳаракати мажмуи таъсир кўрсатмоқда. Яъни миссионерлик ҳаракати миллий маънавиятга бевосита ҳамда билвосита шаклда таҳдид солмоқда. Бизнинг фикримизча, миссионерликнинг бевосита амалга ошириладиган шакли деганда, миссионер ва объект ўртасидаги муносабатларда тўғридан-тўғри, учинчи томоннинг аралашувисиз таъсир этиш жараёнини тушуниш, билвосита амалга ошириладиган шакли деганда, миссионерлик ҳаракатлари таъсирининг маълум восита ва омиллар, яъни учинчи томон иштироки орқали кечишини тушуниш мумкин (1-расм).

Миссионерлик ҳаракатининг шакллари		
Бевосита	Даъватни тўғридан-тўғри миссионерларнинг ўзлари амалга оширади.	<ul style="list-style-type: none"> • кўчада, жамоат жойларида даъват қилиш; • ишда ёки ўқиш жойида даъват қилиш; • шифохона ёки сихатгоҳларда даъват қилиш; • савдо ёки кўнгилочар марказларда даъват қилиш; • давлат ташқарисида даъват қилиш; • ҳарбий хизмат ёки қамоқхоналарда даъват қилиш.
Билвосита	Турли воситалар орқали миссионерлик ғоялари тарғиб қилинади.	<ul style="list-style-type: none"> • ноширлик иши ва вақтли матбуот орқали; • радио ва телевидение орқали; • киносаноат маҳсулотлари орқали; • мусиқа ва қўшиқчилик санъати орқали; • интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ва ҳ.к.

1-расм. Миссионерлик ҳаракатининг шакллари

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида миссионерлик фаолияти ман этилган бўлсада, бугунги кунда мамлакатимизда миссионерлик билан шуғулланган ёки шунга мойил бўлган шахслар сифатида 6186 нафар шахс ҳисобга олинган⁹. Бевосита, яъни тўғридан-тўғри даъватни амалга оширадиган миссионерларнинг оз бўлсада, юртимизда фаолият олиб бориши жамият ва мамлакат учун хатарли ҳисобланади.

Билвосита миссионерлик кенг оммага йўналтирилганлиги, тарғиботнинг узоқ масофадан бошқарилиши, тезкорлиги ҳамда арзонлиги учун ҳам миссионерлар турли воситалар орқали тарғибот-ташвиқотни кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Шунингдек, миссионерлик тақиқланган ёки фаолияти чекланган давлатларда хорижий миссионерларнинг тўғридан-тўғри даъватни амалга оширишида муаммолар мавжуд. Бевосита миссионерлик Ўзбекистон

⁹Мусаев М.Т. Миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди – Тошкент: Mumtoz so'z, 2021. - 116 б.

худудида ҳам фаолият олиб боришда қийинчиликларга учрамоқда. Шунинг учун ҳам улар мамлакатимизда тарғибот ва ташвиқот ишларини турли воситалар орқали, яъни билвосита амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда. ОАВ, интернет ва бошқа воситалар орқали жуда усталик билан амалга оширилаётган тарғиботларда асосий мақсад яширин бўлиб, кўпинча ғоявий таъсир ва тазйикни ўқувчи, тингловчи ёки томошабиннинг ўзи сезмай қолади. Ҳатто, беозордек кўринган мультфильм ҳам маданий ўзакни кўпоришнинг кучли воситасига айланаётганлиги кузатилмоқда. Шу боисдан ҳам билвосита миссионерлик миллий маънавий тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида намоён бўлиб, миллатнинг тарихан шаклланган қадриятларини, унинг ўзига хослигини хавф остида қолдиради, миллий маънавий хавфсизликка путур етказади.

Диссертациянинг «Глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг оммавийлашуви тенденциялари» деб номланган учинчи бобида «секта» тушунчаси, диний секталар фаолияти, мамлакатимиз худудида миссионерлик ҳаракатини олиб бораётган секталар ҳамда уларнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири, шунингдек, глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг кенг тарқалишига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади.

Бугунги кунга келиб нафақат юртимизда, балки бутун ер юзида диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда. Аммо фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулланувчи диний секталар глобаллашув натижасида жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар миссионерлик қонунан тақиқланган Ўзбекистон худудида ҳам ўз тарғиботини амалга оширмоқда.

Диний секта анъанавий диндан ажралиб чиққан ёки уларга муҳолиф бўлган, эътиқоди ва маросимларда улардан фарқланувчи, қатъий тартибда назорат қилинувчи ёпиқ диний гуруҳдир. Шунингдек, шахснинг руҳий, ақлий ва жисмоний ҳолатига вайронкор таъсир кўрсатувчи тоталитар секталар ҳам борки, улар ўз издошларини етакчига ва таълимотга сўзсиз бўйсунадиган қилиб сақлашда уларнинг маънавий оламига, ҳис-туйғуларига ва жисмоний ҳолатига йўналтирилган яширин психологик зўравонликни амалга оширади. Бизнингча, тоталитар секта ўз аъзолари розилигисиз уларнинг онги, хатти-ҳаракатлари ва ҳаёти устидан назорат қилиш орқали ноқонуний бойлик орттириш ва чексиз ҳокимиятга эга бўлиш учун содиқ ва қарам тарафдорлар тўплашни кўзловчи, ўз манфаатини ҳар қандай давлат ва жамият манфаатларидан устун қўядиган, ёпиқ авторитар диний ташкилотдир. Бундай секталар жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлар, тартиб ва маданиятга қарши йўналтирилган тажовузкор ҳаракатни амалга оширади.

Ҳозирги кунда республикамизда норасмий фаолият юритаётган диний секталар билан бир қаторда айрим расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг вакиллари томонидан ҳам миссионерлик фаолияти амалга оширилиши кузатилмоқда. Афсуски, жамият учун хавфли бўлган тоталитар секталарнинг турли йўللар билан кириб келиш хавфи ҳам мавжуд.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда МДХ давлатлари ҳудудида 45 дан ортиқ диний секталар фаолият кўрсатмоқда¹⁰. Улар, айниқса, ҳали онги етарли даражада ривожланмаган ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни секталарга жалб қилаётгани хатарли тус олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

